

## ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ГЕНЕРАТОРИ СИФАТИДА

Нурали Шодиев

Ўзбекистон Республикаси Президенти

хузуридаги Давлат бошқаруви академияси

бўлим бошлиғи,

сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7306483>

**Annotatsiya:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан яратилган халқ билан мулоқот институти фуқаровий фаолликни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи омили сифатида таҳлил этилган. Президентнинг Халқ қабулхоналари фаолияти фуқароларнинг фикр ва ташаббусларини қўллаб-қувватланаётгани ва давлат бошқарувидаги иштироки кенгаётгани кўриб чиқилган.

**Kalit so'zlar:** фуқаролик жамияти, фуқаровий фаоллик, халқ билан мулоқот, фуқаровий онг, фуқаролар ташаббуслари.

Давлат фуқароларнинг турли эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатларига хизмат қилиши, эркин мулоқот, фикрлар, баҳс-мунозаралар, давлат ва жамият ҳаётида фуқароларнинг фаоллиги, юксак маънавият ва тафаккурга эга инсонлар жамоаси фуқаролик жамияти доимо интилиб яшайдиган идеалдир.

Ижтимоий-фалсафий ва юридик адабиётларда ушбу идеалга етиш учун давлат ва жамият, фуқаролар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик ўта муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланади.

Бу бугун Ўзбекистоннинг миллий демократик тараққиёт концепциясининг фундаментал аҳамиятга молик белги ва хусусияти ҳам саналади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилни мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”<sup>1</sup> деб эълон қилгани бунинг амалий тасдиғидир. Президент ўз сиёсатида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойилга алоҳида эътибор бермоқда.

Шу ўринда “Мулоқот” тушунчасига бир оз изоҳ бериб ўтамыз. Мулоқот ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, бир-бирларини тушунадилар.

<sup>1</sup> <http://uza.uz/oz/politics/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016>

Бинобарин, жамият ҳаётида ҳам мулоқот ижтимоий психологик ҳодиса сифатида ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вужудга келади. Мулоқот муваффақиятининг негизи шахснинг руҳий дунёси, эҳтиёжлари мотивацияси, ҳарактер ҳислати, индивидуал-типологик хусусияти, қобилияти, эътиқоди каби инсоннинг фазилатлари, сифатлари намоён бўлиши, ривожланиши ҳисобланади. Мулоқот жараёнида мулоқотдошларнинг тасаввурлари, қизиқишлари, ҳис-туйғулари, кўникмалари, воқелик натижасини олдиндан сезиш, пайқаш, таъсир ўтказиш услуби таркиб топиши мумкин<sup>2</sup>.

Демак, мулоқот — мулоқотдошнинг тасаввурлари, қизиқиш ва эҳтиёжларини сезиш, ҳис қилиш ва билиш, шунингдек, у мулоқотдошга таъсир ўтказиш услуби, мулоқотдошларнинг ўзаро тушуниш воситаси экан. Зотан, одамларнинг қалбига қулоқ солиш, уларнинг дардини эшитиш жамиятдаги масалаларни аниқлашга, фуқароларни қийнаётган муаммоларни билишга ёрдам беради, натижада одамларнинг саволларига жавоб топиш осонлашади, инсон манфаатларини таъминлаш масалалари тезлашади.

“Давлат — фуқаро — жамият” учлиги ўртасидаги мулоқот, ҳуқуқий мувозанат ва ўзаро тенглик барқарор фуқаролик жамиятининг пойдеворидир<sup>3</sup>, дея таъкидланади илмий адабиётларда. Зеро, фуқаролик жамияти билан демократик ҳуқуқий давлат ажралмасдир, улар мудом бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлдириб, қўллаб-қувватлаб боради. Демократик ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти барқарор яшашининг шартидир. У ўз-ўзини пайдо қилмайди ва ўз-ўзига хизмат қилмайди – демократик ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти барпо этади ва ўзига хизмат қилишга йўналтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, шубҳасиз, мамлакатимизда инсон манфаатларини энг олий қадриятга айлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Бир вақтнинг ўзида учта янги тузилмани ташкил этишни кўзда тутувчи мазкур Фармон давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли билан янада яқинроқ ҳамкор, ҳамнафас бўлишини рўёбга чиқаришга қаратилган. Хусусан, мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ишлар

<sup>2</sup> <http://www.faylasuf.uz/index.php/falsafa/amaliy-falsafa/psixologiya/439-mulo-ot-psixologiyasi>

<sup>3</sup> В.А.Мельник. Современный словарь по политологии. Минск. 2003 г.

бошқармаси ҳузуридаги фуқаролар қабулхонаси негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасини ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига айлантириш ҳамда республикамиздаги ҳар бир шаҳар ва туманларда Президентининг халқ қабулхоналарини фаолият юритаётгани жамиятда катта ўзгаришларни ясади. Ушбу тузилмаларнинг асосий вазифаси сифатида халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг бутунлай янги ва самарали тизимини жорий қилиш, уларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўла-тўқис ҳимоя қилишга қаратилган самарали механизм ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Албатта, фармон доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил қилинган янги Халқ қабулхоналари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг тегишли давлат органлари мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши учун муҳим институт ва ўзига хос жамоатчилик назорати институти ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг катализатори сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Зеро, келиб тушаётган мурожаатларнинг характери ва мазмун-моҳиятига қараб, аҳолини безовта қилаётган турли муаммоларга ўз вақтида ечим топиш билан бирга, истиқболда тегишли ҳудудларни стратегик ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларини ҳам аниқлаштириб олиш имконияти пайдо бўлди. Зеро бундай тизим нафақат ҳар бир мурожаатга ўз вақтида муносабат билдирилишини таъминламоқда, балки шу билан бирга мурожаатларда кўтарилаётган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ва эҳтимолдан холи бўлмаган салбий тенденцияларни бартараф қилиш бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз вақтида тегишли чора-тадбирларни белгилаш имконини ҳам бермоқда.

Бундай ҳуқуқий механизмлар ва чора-тадбирлар туфайли жамиятда халқ билан мулоқот тамойили сиёсий институт сифатида шаклланди. Халқ билан мулоқот институти одамларнинг қалбидаги фуқаровий туйғуларини уйғотди, ватандошларимизда фуқаровий фаоллик хусусиятини оширишда генератор вазифасини ўтамоқда. Улар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида била бошлади, уларнинг фикри ва ташаббуслари инобатга олинаётганидан илҳомланмоқда ва мамлакат

тараққиёти учун ўз ташаббуслари ва фикр-мулоҳазалари билан сиёсий жараёнларда иштирок этмоқда.

Бугун одамлар фақатгина қорин ғами билан яшаётгани йўқ, балки улар ўз-ўзини камол топтириш, бошқаларни ҳам бунга ундаш, атрофдагиларга ёрдам бериш, давлат ва жамият бошқарувида ўз овози, ўз ғоялари ва ташаббуслари билан иштирок этиш орқали жамият равожига ҳисса қўшиш масъулияти билан яшамоқда.

Демократик кадриятлар ривожланаётган, эркинлик, адолат тамойиллари қарор топаётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик мавжуд жамиятларда фуқаролар ижтимоий жараёнларни бошқариш, мавжуд вазиятни ўзгартириш, ижтимоий масалаларни ечимини излаш бўйича ўз ташаббусларини илгари суриш зарурлигини англаб етадилар. Бу эса жамият аъзоларида фуқаровий фаолликни вужудга келтиради. Шахснинг фуқаровий фаолликка эга бўлиши жамиятда рўй бераётган барча воқеа ҳодисаларни, уларнинг оқибатлари ва мавжуд масалаларнинг ечимини чуқур англашни тақозо этади.

Бугун айнан шундай ҳолат кузатилаяпти. Ҳар бир фуқаро жамият ҳаётига дахлдорлигини ҳис этиб яшамоқда, давлат раҳбари фуқароларнинг яшаш жойларида ўз қабулхонасини очиб уларга қулоқ тутаётгани одамларнинг ўз кадр-қимматини англашига, юрт тақдири, мамлакат келажаги ҳақида қайғуришга, мулоҳаза қилишга ундамоқда.

Зеро, фуқаровий фаоллик инсоннинг ўз хоҳиш истакларини ҳаётий воқеликка айланиш шаклидир. Инсон мустақил бўлса ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси ва фуқаролик жамиятининг субъекти сифатида давлат ва жамиятининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларида иштирок этиб, фуқаролик жамияти институтларини яхлитлигини таъминлайди.

Давлат бошқарувида қарорлар қабул қилишда, давлат ресурсларининг тақсимланишида фуқароларнинг бевосита иштироки талаб қилинади. Фуқаролар фаоллиги орқали жамиятнинг ижтимоий фаровонлиги таъминланади, давлат сиёсатининг муҳим ва истиқболли йўналишлари белгиланади.<sup>4</sup> Шунинг учун ҳам фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий манфаатлари билан қизиқиш, уларни таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, мамлакатимиз Президенти таъкидлаганларидек, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> [http://www.nytimes.com/ref/college/collegespecial2/coll\\_aascu\\_defi.html](http://www.nytimes.com/ref/college/collegespecial2/coll_aascu_defi.html)

<sup>5</sup> <http://uza.uz/oz/politics/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016>

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, давлат ва фуқаролар ўртасида очиқ ва ошкора мулоқот механизмлари йўлга қўйилиши чинакам фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши учун катта турткидир. Қолаверса, бу мақоламиз аввалида санаб ўтилган фуқаролик жамияти идеалларига эришиш йўлида ўта муҳим омил бўлиб хизмат қилади.